

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№7 (3) 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I7Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 7 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилди.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li*  
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR ..... 9-15
- Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович*  
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ ..... 16-20
- Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich*  
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIIY TA'MINOT  
SIYOSATI ..... 21-26
- Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрович*  
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН  
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ) ..... 27-32
- Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли*  
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРҒИБОТИДА  
ТУТГАН ЎРНИ ..... 33-41
- Bobodustov Bobur Mirzaboyevich*  
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA  
IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI ..... 42-47
- Саидбобоева Гулзора Нематжонова*  
XX АСРНИНГ 30–50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА ..... 48-55

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Казаков Олим Сабирович*  
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ..... 56-60
- Utkirov Abbos Meyliyevich*  
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ..... 61-67
- Umronov Eldorbek Sodirovich*  
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA  
RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI ..... 68-76
- Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадинович*  
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО  
ТУРИЗМА ..... 77-82
- Xolmurotov Fozil Saribayevich*  
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK  
MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH ..... 83-91
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 92-100

*Гойипназаров Санжар Баходирович*  
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАР .....101-110

*Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li*  
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI .....111-119

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Юлдашев Фаррух Абдурахманович*  
АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭХТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ .....120-126

*Тожибоев Сарвар Пулатжон ўғли*  
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ .....127-132

*Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li*  
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA  
ASOSLARI .....133-137

*Abdullayev Temur Bobir o'g'li*  
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI .....138-143

*Islamov Kamol Tashkulovich*  
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVIY YONDASHUVLAR  
NISBATI ..... 144-150

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Isanova Feruza Tulqinovna*  
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKLARINING FUNKSIONAL  
XUSUSIYATLARI .....151-160

*Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li*  
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING  
QO'LLANILISHI .....161-167

*Мухамедова Феруза Баходир кизи*  
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ  
А. КИМА.....168-174

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich*  
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI .....175-180

*Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda*  
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION  
METODLARINING QO'LLANILISHI .....181-185

*Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi*  
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK  
TADQIQI .....186-190

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

- Жавлиев Нурали Баходирович*  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ .....191-195
- Узакова Гўзал Шариповна*  
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ).....196-204
- Usmanov Alisher Tolmasovich*  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI  
YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR .....205-213
- Авезова Элеонора Парахатовна*  
РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ  
СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....214-218
- Мукумов Бобур Мелибой угли*  
ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ  
АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ  
.....219-224
- Туракулова Назира Абдишукуровна*  
СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ:  
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН .....225-232

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

- Хўжамкелдиев Гафур Султон ўгли*  
СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....233-237
- Aziz Hasanovich Rajabiy*  
BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI  
RIVOJLANTIRISH .....238-242
- Malikova Sevar Samatovna*  
BO'LAJAK XOR RAHVARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH .....243-246
- Васильченко Ольга Анатольевна*  
ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ .....247-251
- Хојитуродова Маһлиёхон Кенжавоу қизи, Inomov Faxriddin O'rmonjonovich*  
AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS  
AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES .....252-257
- Асадуллаева Наргиза*  
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ  
МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ .....258-265
- Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi*  
BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA  
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI .....266-272



<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIIY MATNLAR MISOLIDA) .....	273-277
<i>Humonjonov Shoxzodbek Dilshodjon ўғли</i> ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН МЕТОДИК АСОСЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ .....	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH .....	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA .....	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI .....	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI .....	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI .....	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI .....	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI .....	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE .....	330-349



12.00.00-Юридик фанлар

**Жавлиев Нурали Баходирович**  
Судьялар олий мактаби,  
мустақил изланувчи,  
юридик фанлар номзоди, доцент

### **МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада маъмурий-ҳуқуқий низо тушунчаси, унинг ўзига хос жиҳатлари ва зарурий белгилари ўрганилган. Бунда маъмурий-ҳуқуқий низо маъмурий иш, юридик конфликт ва юридик коллизия каби илмий категориялар билан ўзаро нисбатда таҳлил қилинган. Мақолада етакчи олимларнинг нуқтаи-назарлари ҳамда амалдаги қонунчилик тадқиқ этилиб, маъмурий-ҳуқуқий низонинг муаллифлик таърифи таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** суд назорати, маъмурий-ҳуқуқий низо, оммавий-ҳуқуқий низо, маъмурий ва бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, маъмурий иш, юридик конфликт, юридик коллизия.

**Javliev Nurali Bakhodirovich**  
The Supreme School of Judges,  
Independent Researcher,  
PhD in Law, Associate Professor

### **CONCEPT AND ESSENCE OF ADMINISTRATIVE LEGAL DISPUTES**

**Abstract.** This article explores the concept of an administrative-legal dispute, its features and necessary features. At the same time, the administrative-legal dispute was analyzed in relation to such scientific categories as administrative case, legal conflict and legal collision. The article discusses concepts of leading scientists and the provisions of the current legislation, also the author suggests definition of an administrative-legal dispute.

**Key words:** judicial control, administrative-legal dispute, public-law dispute, disputes arising from administrative and other public legal relations, administrative office work, legal conflict, legal collision.

**Жавлиев Нурали Баходирович**  
Высшая школа судей,  
независимый исследователь,  
кандидат юридических наук, доцент

### **ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВЫХ СПОРОВ**

**Аннотация.** В данной статье исследуется понятие административно-правового спора, его особенности и необходимые признаки. При этом административно-правовой спор анализировался в взаимосвязке с такими научными категориями, как административное дело, юридический конфликт и юридическая коллизия. В статье рассматриваются точки зрения ведущих ученых и положения действующее законодательство, а также предлагается авторское определение административно-правового спора.

**Ключевые слова:** судебный контроль, административно-правовой спор, публично-правовой спор, споры, возникающие из административных и иных публичных правоотношений, административное делопроизводство, юридический конфликт, юридическая коллизия.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N26>

Маълумки, суд назоратининг асосини оммавий-ҳуқуқий ва бошқа маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ташкил этади. Юридик амалиётда юзага келаётган судловга тааллуқлилиқ муаммосининг ечими ҳам кўп жиҳатдан айнан ушбу турдаги низоларнинг тўғри талқин этилишига боғлиқ.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги низолар ҳақида гап борар экан, бу борада турлитуман тушунча ва атамалар ишлатилишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Маъмурий ҳуқуқ фанида “маъмурий-ҳуқуқий низо”, “маъмурий ҳуқуқ тўғрисидаги низо”, “бошқарув низоси”, “маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар”, “бошқарув соҳасидаги низолар” каби тушунчалар кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасида низо ҳақида гап бормасида, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар маъмурий судга тааллуқли эканлиги белгиланган. Шу боисдан ҳам амалиётда “оммавий-ҳуқуқий низо”, “маъмурий ва бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар” каби категориялар кенг қўлланилади ва улар юридик фанга ҳам кириб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, ушбу категориялар орасида энг мақбули бу – “маъмурий-ҳуқуқий низо” тушунчаси бўлиб ҳисобланади. Чунки, илмий адабиётлар таҳлили ушбу тушунча кенг қўлланишини кўрсатади. Қолаверса, айнан шу тушунча муҳокама қилинаётган илмий категориянинг мазмун-моҳиятни тўғри изоҳлайди ва тўлиқ очиб беради.

Шу билан бирга, маъмурий-ҳуқуқий низо табиати ва мазмун-моҳиятини тушунишда олимлар орасида яқдил фикрнинг шаклланмаганлигини таъкидлаш жоиз. Бу борада кўплаб таъриф ва тушунчаларнинг борлиги, ушбу масаланинг ҳақиқатдан ҳам мунозарали эканлигини кўрсатади. Боз устига, қонун чиқарувчи томонидан маъмурий-ҳуқуқий низонинг легал таърифи белгиланмаганлиги муаммони янада мураккаблаштиради, энг муҳими маъмурий суд ишларини юритишнинг концептуал асосларини тўғри белгилашга тўсқинлик қилади, юридик амалиётда судловга тааллуқлилиқ билан боғлиқ кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Маъмурий-ҳуқуқий низони тўғри тушуниш учун “низо” тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида низо сўзи – арабча баҳс, тортишув; жанжал, тўқнашув; кураш сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилиқ, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат деб таърифланган[9; Б.37].

Инглиз тилининг машхур изоҳли луғатларида низо (dispute) сўзи ҳам ўзига хос тарзда изоҳланган. Хусусан, Кэмбреж луғатида низо расмий хусусиятга эга келишмовчилик деб таърифланган бўлса[1]. Оксфорд ўрганувчилар луғатида низо икки киши, гуруҳлар ва давлатлар ўртасидаги келишмовчилик сифатида талқин қилинган [2].

Рус тилининг изоҳли луғатларида низо сўзига оғзаки баҳслашув бўлиб, бунда ҳар бир тараф ўз фикрини ҳимоя қилади, ўзининг ҳақлигини исботлайди, деб изоҳ берилган[8].

Низо тушунчасига берилган ушбу таърифлардан кўринадикки, маъмурий-ҳуқуқий низо – бу давлат ва юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган расмий

келишмовчилик бўлиб, ушбу жараёнда иштирок этувчи тарафлар ўзларининг ҳақлигини исботлашга интилади.

Низонинг асосини ўзаро келишмовчилик ва зиддият ташкил этар экан, баъзи олимлар маъмурий-ҳуқуқий низони конфликт ва коллизия тушунчалари билан ўзаро нисбатда талқин қилишга ҳаракат қилади. Жумладан, ҳуқуқшунос олима Н.Ю.Хаманева маъмурий-ҳуқуқий низо – ижтимоий конфликтнинг бир кўриниши деган фикрни кўрсатиб ўтган[11; Б.5-6]. Бу каби фикрни А.Б.Зеленцов ҳам илгари сурган[4]. А.Окуневнинг фикрича, маъмурий низо манфаатлар конфликти бўлиб, мазкур конфликт бири-бирига ташкилий жиҳатдан бўйсинмайдган икки тараф ҳуқуқий нормалари коллизияси оқибатида юзага келади[7].

Бизнинг фикримизча, конфликт, коллизия ва низо тушунчалари ўзаро боғлиқ ва яқин категориялар, лекин ушбу тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Д.Қ.Эргашева ва М.К.Нажимовлар таъкидлаганидек, конфликт объектив ёки субъектив қарама-қаршиликлар, зиддиятлар бўлиб, у тарафларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қарши курашида ифодаланади. Ижтимоий конфликт деганда, одатда тарафларнинг ҳудуд ёки ресурсларни эгаллаб олиш, муҳолифатдаги индивидлар ёки гуруҳларга, уларнинг мулки ёки маданиятига таҳдид солишга қаратилган қарама-қарши туриш тури тушунилиб, бунда кураш ҳужум ёки мудофаа шаклида кечади [14; Б.20-21].

Демак, конфликт қарама-қарши томонлар, фикр, кучнинг тўқнашуви, жиддий келишмовчилик, кескин низо бўлиб ҳисобланади. Ушбу келишмовчилик ва тўқнашув натижасида эса, низо келиб чиқади.

Шу ўринда, маъмурий-ҳуқуқий низо тушунчасини “маъмурий иш” категорияси билан ўзаро боғлиқликда ўрганишга ҳаракат қилган нуқтаи-назарлар ҳам борлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Масалан, Д.Шепкина маъмурий ишни ваколатли субъектлар томонидан низоли ҳуқуқий муносабатларни ҳал этиш чоралари, усуллари ва процедураларининг тизими сифатида талқин қилади[13; С.185]. М.В.Никифоров маъмурий-ҳуқуқий низонинг предметини маъмурий иш ташкил этишини ёзади, маъмурий иш ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларидан бири ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган деб ҳисоблаганда вужудга келади[6].

Кўриниб турганидек, юқоридаги олимлар маъмурий иш деганда айнан маъмурий-ҳуқуқий низони тушунади. Лекин, ушбу ёндашув нотўғри деб ҳисоблаймиз, ваҳоланки маъмурий иш - бу айнан маъмурий низо эмас, балки низо натижасида шаклландиган иш ҳужжатларидир. Бу борада А.В.Глодинанинг нуқтаи-назари диққатга сазовор: агар маъмурий-ҳуқуқий низо оммавий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари манфаатларининг келишмовчилиги ва конфликтда ифодаланса, маъмурий иш суд томонидан юритувга қабул қилинган оммавий-ҳуқуқий низони, шунингдек ушбу низога алоқадор иш ҳужжатларини ҳал этиш талабида намоён бўлади[3].

Маъмурий-ҳуқуқий низонинг тушунчаси ва ҳуқуқий табиати ўзбек олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Жумладан, Ғ.Т.Ҳакимов кўра, маъмурий-ҳуқуқий низо оммавий-ҳуқуқий табиатга эга, у юридик низоларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида юзага келган низоларни маъмурий-ҳуқуқий низо сифатида баҳолаш мумкин.

Муаллиф маъмурий-ҳуқуқий низоларга қуйидагича умумий тавсиф берган: а) маъмурий-ҳуқуқий низо – бу маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид низолардир; б) маъмурий-ҳуқуқий низо ноқонуний бошқарув

актини қабул қилиш факти юзасидан маъмурий-ҳуқуқий муносабат субъектларидан бирининг норозилиги ифодасидир; в) маъмурий-ҳуқуқий низолар ижро ҳоқимияти органи томонидан бошқарув функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Демак, маъмурий низо субъектларидан бири албатта давлат органи ёки мансабдор шахси ҳисобланади. Маъмурий-ҳуқуқий низолар бир томондан фуқаролар, иккинчи томондан эса давлат бошқарув органлари ўртасида юзага келади [14; Б.59-60].

Ш.Шайзаковнинг фикрича, “маъмурий-ҳуқуқий низо” тушунчаси “оммавий-ҳуқуқий низо” тушунчасининг таркиби сифатида қаралиши ҳамда ушбу низоларнинг бир томонида албатта ҳоқимият ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар бўлиши шарт. Акс ҳолда, бундай низолар маъмурий судловга эмас, бошқа суд ваколатига тааллуқли бўлиб қолади [14; Б.41-42].

Шу билан бирга, бу борада суд амалиёти бироз олдинлаб кетганлигини қайд этиш лозим. Масалан, адлия органлари маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг қарорлари устидан, ҳаттоки бир туман ҳоқимияти бошқа туман ҳоқимиятининг қарор ва хатти-ҳаракатлари устидан маъмурий судларга шикоят қилиш ҳолатлари кенг учрамоқда. Энг қизиғи ушбу ариза ва шикоятлар маъмурий судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилмоқда. Бу турдаги низоларнинг икки иштирокчиси ҳам маъмурий орган эканлигини ҳисобга олсак, қайси бир иштирокчи давлат бошқарув ваколатларига эга субъект сифатида қаралиши керак? Бундан ташқари, маъмурий низолар доим ҳам давлат бошқаруви соҳасида юзага келмайди, баъзилари иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқи соҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва моҳияти борасидаги қарашлар тараққиётини ўрганган М.Н. Кобзарь-Фролова асосли равишда таъкидлаганидек, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқаруви соҳасида юзага келади деган фикр нотўғридир. Масалан, муносабатнинг ташаббускори фуқаро бўлганда, ушбу фикр янада ойдинлашади. Давлат инсонларни бошқармайди. Ушбу назария совет сиёсий режими билан бирга ўлган. Давлат эркин инсонларни эмас, балки юридик жараёнлар (масалан бюджет), механизмлар, кадрлар (вертикал ҳоқимияти бўйича ички аппарат бошқаруви)ни бошқариши мумкин [5; С100].

Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазалар, амалдаги қонун ҳужжатларидаги нормаларини инобатга олиб, маъмурий-ҳуқуқий низонинг қуйидаги таърифини келтириб ўтиш мумкин: бу қоида тариқасида жисмоний ёки юридик шахслар ҳамда ижро ҳоқимияти ўртасида давлат органининг ўз бошқарув ваколатларини амалга ошириш муносабати билан маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган келишмовчилик.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Cambridge Dictionary. // <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/dispute>
2. Oxford Learner's Dictionary // <https://www.oxfordlearnersdictionaries.com/definition/english/argument?q=argument>
3. Глодина А.В. Административное дело и административно-правовой спор: понятие и соотношение // Вестник ВГУ. Серия: Право. 2017. №3 (30). -С.147. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/administrativnoe-delo-i-administrativno-pravovoy-spor-ponyatie-i-sootnoshenie>.

4. Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., Изд-во РУДН, 2001; Административно – правовой спор (теоретико-методологические подходы к исследованию) // Правоведение. 2000. № 1. С. 68 – 79.
5. Кобзарь-Фролова М.Н. Административное правоотношение: эволюция взглядов на понятие и сущность. // Государство и право. – 2022. - №4. -С.100.
6. Никифоров М.В. Реформа административного права в современной России // Национальные интересы. 2002. N 3.
7. Окунев А.И. Административно-правовые споры. Студенты в правовой науке. Вып. 4. Издание Воронежского государственного университета.
8. Толковый словарь русского языка: В 4 т. — М.: Гос. изд-во иностр. и нац. слов., 1940. Т. 4. С—Ящурный. — Стб. 446. // Адрес ресурса: <http://feb-web.ru/feb/ushakov/ush-abc/18/us444617.htm>; Толковый словарь Ожегова С.И. онлайн // <https://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=30188>
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. // учинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2020. Б. 37.
10. Хакимов Ғ.Т. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – ТДЮИ: Тошкент, 2009. -Б.59-60.
11. Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. – С.5-6.
12. Шайзаков Ш.И. Маъмурий суд ишларини юришда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Ўзбекистон Республикаси бош прокуратура академияси: Тошкент, 2021. -Б.41-42.
13. Щепкин Д. Ю. Административные дела как вид административно-правовых споров : понятие, основные признаки, нормативная основа // Вестник Воронеж. гос. ун-та. Серия: Право. 2007. № 2 (1). С. 185.
14. Эргешова Д.Қ., Нажимов М.К. Юридик конфликтология: Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б.20-21.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 7 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).